

Давлатимиз раҳбарининг чемпион ўғли билан видео-кўнғироқ орқали боғланиб: “Ўзбек фарзанди, Янги Ўзбекистон нимага қодир эканини дунёга тарафдор қилгани билан фахрланаман”, дея унинг билими ва шижоатини алоҳида эътироф этгани, махсус фармон билан **Жавоҳир Синдоровга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи”** фахрий унвонини бергани ҳам юртимизда ёш истеъдод эгаларига қаратилаётган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир.



АНДИЖОН ЎЗБЕК ТИББИЁТИ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда кечаётган шиддатли янгиланишлар, иқтисодий юксалиш ва инсон қадрини улуғлашга қаратилган ислохотлар ҳаётимиз мазмунига айланиб борапти. Ушбу ўзгаришларнинг ҳақиқий қиймати эса, аввало, юртдошларимизнинг фаровон турмуши, келажакка ишончи ва кайфиятида намоён бўлади. Шу маънода, юртдошларимиз билан

яқиндан суҳбат қилиб, ислохотларнинг амалдаги натижасини баҳолаш, таҳлил қилиш мақсадида ҳудудларда ўтказилаётган депутатлик ўрганишлари муҳим аҳамиятга эга. “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раиси Робахон Махмудова бошчилигидаги ишчи гуруҳ бу гал Андижон вилоятида бўлди.

ТОШКЕНТ — НОН ШАҲРИ



ПОЙТАХТИМИЗДА “ТОШКЕНТ — НОН ШАҲРИ” ДОИРАСИДАГИ ХАЛҚАРО ФОРУМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЖУДА МУҲИМДИР. БУ ФОРУМ НА-ФАҚАТ ТАРИХИЙ ХОТИРАНИ ТИКЛАШ, БАЛКИ ЖАҒОКАШ ХАЛҚИМИЗ САҲОВАТИНИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ОЛДИДА НАМОЁН ЭТИШ ИМКОНИНИ ЯРАТАДИ.

ТАРИХ ГУВОҲЛИК БЕРГАН ҲАҚИҚАТЛАР

1921 йилдан бошлаб унинг ҳаёти Париж шаҳрида кечади. У дастлаб бу шаҳардаги Моцарт авенюдаги 64-уйда яшайди. Кейин шаҳарнинг ёзувчилар, алломалар, сиёсатчи мухожирлар яшайдиган Ножон Сур Марн даҳасига кўчиб ўтади. Бу уйда туриб у шўрлар давлатининг Туркистонда амалга ошираётган мустамлакачилик сиёсатини қоралаб, юрт озодлиги орзусида кўплаб мақолалар ёзади. Шунинг учун сиёсатчининг дўстлари, ҳамфикрлари унга эҳтиром билан уйини “Туркистоннинг вақтинчалик, муваққат пойтахти”, деб аташади.



САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТДА



намунали ҳудуд бўлади

Рўйхатга олинаётган



рақамлар эмас —

ОДАМЛАР!

ОБУНА-2026



Қадрли юртдошлар!

2026 йил учун обуна давом этмоқда. “ADOLAT”га обуна бўлишингизга ишонамиз.

OBUNA BO'LING

Обуна индекси - 100

ОГОҲ БЎЛИНГ!


ЗАМОНАВИЙ ЗЎРАВОНЛИК

Озода ПАРПИБОВЕВА,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари

Дунё бўйлаб 25 ноябрь – Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш халқаро кунидан 10 декабрь – Инсон ҳуқуқлари кунига қадар “Гендер зўравонликка қарши 16 кунлик фаоллик” глобал кампанияси ўтказилиши анъана тусига кирган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан жорий йилги тадбирлар “Хотин-қизларга нисбатан рақамли зўравонликка барҳам бериш учун бирлашайлик!” шиори остида ўтмоқда.



Аёлларга нисбатан зўравонликни тўхтатиш



ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ

ОСТАВОВИМ НАСИЛИЕ В ОТНОШЕНИИ ЖЕНЩИН

4



“Адолат” СДП Тошкент шаҳар матбуот хизмати



САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТДА НАМУНАЛИ ХУДУД БЎЛАДИ

Давлатимиз раҳбари 25 ноябрь куни ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш ҳамда келгусидаги вазифаларни фаоллар иштирокида белгилаб олиш учун Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Химмат ОҚБЎТАЕВ,
партия вилоят кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати



Давлат раҳбари “Самарқанд – Ургут” янги темир йўл линиясида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Ушбу темир йўл қурилиши жорий йил февраль ойида бошланган бўлиб, умумий узунлиги 55 километрдан иборат. Лойиҳа доирасида иккита вокзал, “Ургут” эркин иқтисодий зонасида иккита юк станцияси ҳамда бир қатор кўприклар барпо этилди. Эътиборлиси, мазкур линияни келгусида тўлиқ электрлаштириш режалаштирилган.

Янги йўналиш икки жуфт шахарлараро поезд ва тўққиз жуфт юк поезди қатновини таъминлаш имкониятига эга. Лойиҳани шу йил охирига қадар якунлаш кўзда тутилган. Поездлар қатнови йўлга қўйилиши орқали йилга 359 минг йўловчи ва 8,2 миллион тонна юк ташиш имкони яратилади.

Йўналиш Самарқанд шаҳри, Тойлоқ ва Ургут туманлари аҳолиси учун хавфсиз ва замонавий транспорт хизмати тақдим этиши билан аҳамиятли. Шунингдек, ички туризм ривожига ҳам катта туртки беради.

Темир йўл инфратузилмаси иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, ушбу лойиҳа “Ургут” эркин иқтисодий зонаси салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади. Янги йўналиш ишга тушиши натижасида 130 та янги иш ўрни яратилади.

Янги темир йўлнинг келиши билан Ургутда иқтисодий ўсишни кечлаб турган тўсиқлар, логистик “тормб”лар бартараф этилади. Юк ташиш тезлашади, маҳсулотлар бозорларга арзон ва вақтида етказилади, инвесторлар учун қулайликлар янада ортиб, ҳудуднинг рақобатбардошлиги ошади.

Энг муҳими, ҳудудда яратилаётган янги имкониятлар аҳолининг турмуш даражасига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Инфратузилма ривожланган жойда иш ўринлари кўпаяди, хизматлар яхшиланади, тадбиркорлик фаоллашади.

Шунингдек, Президентимиз вокзал атрофида аҳоли фаровонлиги ва ҳудуднинг иқтисодий жозибадорлигини оширишга қаратилган қўшимча лойиҳалар тақдими билан ҳам танишди. Тадбиркорлар ташаббуси асосида яқин ҳудудларда автовокзал,

чойхона, экобозор, турар жой бинолари, хусусий мактаб ва боғчалар барпо этиш режалаштирилмоқда.

Ушбу ишлар амалга оширилиши натижасида аҳолига янги хизмат турлари яратилади, ҳудуднинг ижтимоий инфратузилмаси яхшиланади, тадбиркорлик муҳити янада фаоллашади. Энг муҳими, 350 нафарга яқин фуқаронинг доимий бандлиги таъминланиб, ҳудуднинг иқтисодий ўсишига қўшимча туртки берилади.

Янги Ўзбекистонда саноатни диверсификация қилиш, маҳаллий брендларни жаҳон бозорларига олиб чиқиш ва рақобатбардош ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгиланган. Президентимизнинг Ургут туманидаги “Ferre Group” корхонасига ташрифи эса ана шу мақсадларнинг ҳаётта татбиқ этилаётганининг яна бир аққол ифодаси бўлди.

“Ургут” эркин иқтисодий зонасида жойлашган мазкур корхона сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари учун яратилган кенг имкониятлар ва қулай инвестиция муҳити самараси сифатида тез суъратларда ривожланди. Илк фаолиятида импорт бутловчи қисмлар асосида маиший техника йиғиш билан чекланган корхона бугунги кунда музлаткичдан тортиб газ плитаси, микротўлқинли печ, чангюткич, дудбурон ва замонавий темир эшикларгача бўлган ўнлаб турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган, Марказий Осиё миқёсида эътироф этилган йирик компанияга айланди.

“Dorsa”, “Kleo”, “Ferre” брендлари остида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги билан

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакат ичкарисида ҳам, хорижий бозорларда ҳам юқори талабга эга. Айниқса, Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжонга экспорт ҳажмининг изчил ортиб бориши корхонанинг ишончли ҳамкор сифатида тан олинаётганидан далолат беради. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 250 минг дона маҳсулотга етган бўлиб, умумий қиймати 440 миллиард сўмга тенг. Маҳаллийлаштириш даражасининг 85 фоизга етгани эса миллий саноат сиёсатининг самарали йўлга қўйилганини кўрсатади.

Корхона фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати – технологиялар замонавийлиги. Бу ерда Германия, Туркия, Италия ва Хитойнинг энг илғор ускуналари жорий этилган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнларида “Embraco”, “LG”, “DOW”, “Midea” каби дунёда етакчи компаниялар материал ва бутловчи қисмларидан фойдаланилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 30 миллион долларни ташкил этиб, унга хорижий инвестициялар ва банк имтиёзли кредитлари жалб қилинган. Бугунги кунга келиб корхонада минг нафарга яқин аҳоли бандлиги таъминланган.

Президентимиз корхона цехларида яратилган иш шaroитлари, ишлаб чиқариш жараёнлари ва маҳсулот турлари билан танишди. Мутахассислар билан суҳбат давомида корхонанинг халқаро стандартларга мос ишлаб чиқаришни кенгайтириши, экспорт улушини ошириши ва янги бозорларга чиқиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

— *Тадбиркорни қўллаб-қувватламасдан Янги Ўзбекистонни барпо қила олмаймиз. Агар сизлар тинимсиз изланиб, бирлашсангиз, Самарқандда ишсиз аҳоли қолмайди*, — деди Президент ургутликлар билан учрашар экан.

Давлат раҳбари Ургутда шундай замонавий ишлаб чиқариш майдонларини кўпайтириш, қўшимча қиймат яратиш, янги иш ўринлари очиш ва маҳаллий брендларни хориж бозорларига олиб чиқиш мінтақанинг иқтисодий барқарорлигида ҳал қилувчи омил эканини таъкидлади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарига Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳаларни тақдим этилди. Туркия билан ҳамкорликда Самарқандда йирик кўп тармоқли шифохона, Булунгур туманида тиббий препаратлар ишлаб чиқарувчи, Ургутда эса ипак толаси ва мато тайёрловчи корхоналар барпо этиш, Нурободда технопарк ташкил этиш, Самарқандда металлургияга оид кимёвий қотишмалар ишлаб чиқариш каби қатор ташаббуслар вилоят саноатининг яқин истиқболда янги босқичга кўтарилишидан дарак беради.

Мазкур лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича масъулларга аниқ топшириқлар берилди. Чунки бу инвестициялар — фақат саноат ривожига эмас, балки минглаб янги иш ўринлари, юқори даромад, аҳоли турмуш сифатининг яхшиланишига улкан ҳисса қўшади. Буларни ҳаммаси Самарқандни иқтисодиётда намунали ҳудудга айлантиради.

Ислохотлар натижадорлигига масъулмиз

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соҳани рақамлаштириш, «Ақлли тиббиёт» тизимига ўтиш, соҳа ходимларини ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Мирхан КАЛИМБЕТОВА,
Беруний туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлими мудираси,
халқ депутатлари туман Кенгаши депутати



Изчил амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг узвий давоми сифатида жорий йил 9 ноябрь кунги “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги Президентимиз қарори яна бир марта кўнглимизни тоғдек кўтарди, ғайратимизга ғайрат, шижоатимизга шижоат қўшди.

Қарор орқали биз, тиббиёт ходимларига берилаётган бир қатор имтиёзлар, мамлакатимизда инсон қадрининг нақадар улуғланаётганлигидан далолатдир.

Жўмладан, давлат тиббиёт муассасаларида камида 15 йил фаолият юритган тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг фарзандларига таълим контракти суммасининг 30 фоизгача қисми, ҳар йили 500 нафарига ипотека кредити олишда дастлабки бадал тўловининг 25 фоизи қоплаб берилиши белгиланганлиги, фақатгина тиббиёт ва фармацевтика ходимининг ўзига эмас, унинг бутун oilасига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик намунасидир.

Шунингдек, шифокор ва фармацевтлар йилда бир маротаба республика ҳудудидаги санаторийларга бепул йўлланма олиш ҳуқуқига эга бўлиши. Барча турдаги давлат хизматлари учун тўловлар миқдори икки баробар камайтирилиши белгилаб берилганлиги, соҳа ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласига қаратилган эътибор ҳисобланади.

Муҳими, янгилик яратишга интилаётган, илмий изланишлар олиб боришни мақсад қилган соҳа ходимлари ҳам қўллаб-қувватланиши қарорда ўз аксини топган.

Эндиликда туман (шаҳар) миқёсида янги даволаш усулини жорий қилган шифокорлар базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорда мукофотланади, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг халқаро илмий-техник маълумотлар базасида индексланувчи ва юқори импакт-факторли журналларда мақолаларни chop этиш билан боғлиқ харажатлари тўлиқ қоплаб берилади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда соҳага қаратилаётган юксак эътибор туфайли, давлат бюджетининг катта қисми тиббиётга йўналтирилмоқда.

Аниқ рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, жорий йилда соғлиқни сақлаш соҳаси учун 45 триллион сўм маблағ йўналтирилган бўлиб, ушбу рақамлар 2016 йилга нисбатан 6 баробарга ортганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Албатта, ушбу маблағлар энг катта бойлигимиз ҳисобланган халқимизнинг соғлигини асрашга, тиббиёт масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, реконструкция қилишга ва янгиларининг қад кўтаришига асос бўлмоқда. Натижада бугунги кунда бирламчи тиббиёт муассасалари қуввати 60 фоизга ошиб, тиббий хизмат аҳолига янада яқинлашганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўзим яшаб, меҳнат қилаётган Беруний туманида ҳам ўз аксини топмоқда.

Туманимизда 100 га яқин туғиш ёшидаги аёлларга хизмат қиладиган, шунингдек, оналар ва болалар учун барча қулай шaroитлар яратилган туманлараро перинатал маркази фаолият кўрсатмоқда.

Беруний тумани “Саркоп” овул фуқаролар йиғинидаги “Жуманиязов” oilавий шифокорлик пункти, oilис ҳудудлар ҳисобланган “Олтинсой” овул фуқаролар йиғинидаги oilавий шифокорлик пункти, “Абай” овул фуқаролар йиғинидаги 8-сонли oilавий шифокорлик пункти ва “Бийбозор” oilавий шифокорлик пунктлари қайта таъмирланиб ишга туширилганлиги, oilис ҳудудларда яшовчи кишлоқ аҳолиси учун сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларининг ортаётганлигидан бир мисол.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, биз, тиббиёт ходимлари соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигини таъминлашда етакчи кучга айланишимиз, давлатимиз ва халқимиз ишончини оқлаш йўлида доимо фаол ва изланувчан бўлишимиз керак.

Парламентда

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ ТАЪМИНЛанади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Фракция аъзолари кўтарилган масалалар партиянинг бош ғояси – ижтимоий адолатни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадлари билан тўлиқ ҳамоҳанглигини, келгуси йил учун белгилаб берилган устувор йўналишлар партия дастурий мақсадларига уйғун эканлигини қайд этдилар.

Шерзодхон ИСЛАМОВ,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси



Шундан сўнг, депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон, унинг

ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий кадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни барпо этиш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига бир



қатор қўшича ва ўзгартиришлар киритилляпти.

Хусусан, автотранспорт воситасининг босиб ўтган масофасини кўрсатувчи одометр ускунаси кўрсаткичлари ўзгартирилганлиги ёки одометр ускунаси алмаштирилганлиги ҳақида автотранспорт воситасини реализация қилишдан олдин харидорни хабардор этмаслик учун жавобгарлик чоралари белгиланмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдириб, ундаги айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар беришди. Қонун лойиҳасига масъул

депутат кўтарилган барча саволларга атрофлича тушунтиришлар бериб ўтди. Ушбу ҳужжат истеъмолчилар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилиш, суд ишларини кўришда уларни руҳий ва психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишга ҳизмат қилиши таъкидланди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилишда кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рўйхатга олинаётган

рақамлар эмас — одамлар!

Бугун дунё мисли кўрилмаган тезликда ўзгариб бормоқда. Технология ривож, рақамлаштириш, катта маълумотлар оқими... Буларнинг бари инсон ҳаётини энгиллаштираётгандек туюлади. Аммо баъзан шу рақамларнинг тагида кимдир яшаётгани, кимдир нафас олаётгани, кимдир орзу қилаётгани унутилиб қолади. Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш йўл харитаси одамлар билан бошланади. Қанча аҳоли истиқомат қилади, қаерда яшайди, қандай яшайди – бу саволларга аниқ жавоб бўлмаса, самарали сиёсат юритиш қийин. Шу боис, аҳолини рўйхатга олиш – давлат ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий жараёнлардан биридир.

Махбуба ЖЎРАБОВА, ТДЮУ “Бизнес ҳуқуқи” магистранти

Аҳолини рўйхатга олиш – бу шунчаки статистик жараён эмас. Бу жамиятнинг ўзига ўзи берадиган саволи: “Биз ким эдик? Бугун ким бўлдик? Эртага ким бўламиз?”

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ҳам аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш 2026 йил 15 январь ҳолатига кўра 2026 йил 15 январдан 28 февралга қадар ўтказиш режалаштирилган. Жараён Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги 173-сонли “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида”ги фармони асосида ташкил этилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги марта аҳолини рўйхатга олиш ишлари собиқ иттифок даврида, 1989 йилда ўтказилган. 2019 йил 5 февралда “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент фармони, 2020 йил 16 мартда “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Шу асосида 2022 йилда Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш умуммиллий тадбири ўтказилиши керак эди. Бироқ коронавирус пандемияси туфайли мазкур тадбирни ўтказиш муддати узайтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қа-

рорига кўра, республикада аҳолини рўйхатга олиш ишлари 2023 йилнинг 1-25 ноябрь кунларида ўтказилиши белгиланган. Бу тадбир 2023 йилда ҳам амалга оширилмади.

Содда қилиб айтганда, бу жараён орқали мамлакат аҳолиси ҳақидаги энг тўлиқ ва ишончли маълумотлар йиғилади – ёши, миллати, бандлик даражаси, яшаш жойи, оилавий ҳолати, маълумоти ва бошқа кўрсаткичлар. Бундай маълумотларни тўплаш давлат учун нега муҳим деган савол туғилиши табиий. Бунинг натижасида:

- ✓ янги иш ўринларини яратиш режасини;
- ✓ мактаб ва шифохоналар сонини;
- ✓ ҳатто транспорт йўналишларини ҳам аниқлашга ёрдам беради.

Мазкур жиҳатларни эътиборга олиб, рўйхатга олиш натижалари – ҳукумат, бизнес ва жамият учун “реал ҳаёт ойнаси” вазифасини бажаради.

“Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонунга кўра, аҳолини рўйхатга олиш ҳар 10 йилда камида бир марта ўтказилиши керак. Жараённинг санасини Ўзбекистон Республикаси Президенти белгилайди. Рўйхатга олиш жараёнида фуқаролар ва рўйхатга олувчилар иштирок этади. Ушбу жараён аниқлик ва бир илғиликни таъминлаш мақсадида бутун мамлакат бўйлаб бир вақтнинг ўзида амалга оширилади.

Рўйхатга олиш варақасида қуйидагилар сўралади:

- ✓ исм-фамилия, туғилган сана;
- ✓ фуқаролиги, миллати, маълумоти;
- ✓ оилавий ҳолати, фарзандлар сони;
- ✓ яшаш жойи ва бандлик ҳолати;
- ✓ яшаш шароити ва тил билиш даражаси.

Кўплаб одамларни “шахсий маълумотлар ошкор бўладими?” деган савол ўйлантиради. Жараён қонуннинг 6-моддасида шахсга доир маълумотларнинг махфийлик принципи асосида ташкил этилади. Тўпланган маълумотлар сир сақланади, фақат умумий статистика сифатида эълон қилинади. Шахсга оид маълумотлар бошқа ҳеч қаерда кўрсатилмайди.

Бутун мамлакат миқёсидаги бу ҳамкорлик лойиҳаси натижасида мамлакатдаги демографик ўзгаришлар аниқ ва равшан кўринади, иқтисодий ва ижтимоий сиёсат учун асос бўлади, давлат хизматларини яхшилашга йўл очилади. Энг муҳими – бу натижалар очик эълон қилинади. Яъни, ҳар бир фуқаро, олим ёки тадбиркор улардан фойдаланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолини рўйхатга олиш жараёни – бу шунчаки статистик маълумотларни йиғиш эмас. Ҳар бир шахс, ҳар бир оиланинг ҳаёти, эҳтиёжи ва истиқболини эътиборга олишдир. Шу орқали давлат ижтимоий сиёсатни режалаштиради, инфратузилмани ривожлантиради ва аҳолининг турмуш сифатини яхшилашга имкон яратади.

Шунинг учун рўйхатга қарашда асосий урғу рақамларга эмас, фуқароларнинг ўзига, уларнинг ҳаётига ва эҳтиёжларига қаратилиши лозим.

“Адолат” тарозиси



ЭХТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Ҳар бир касбнинг ўз сир-асрори, масъулияти бор. Инсон касбини қанчалик севса ҳам бироз масъулиятсизлик қилса, бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Айниқса, ҳайдовчилик касби инсондан ўта эҳтиёткорлик ва эътиборлилик, бирон сония бўлсин бошқа нарсасга чалғимасликни талаб этади. Акс ҳолда ўзининг ёки ўзганинг умрига зомин бўлиши ҳеч гап эмас.

Баҳодир ҚАЮМОВ, жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг судьяси

Иқром Давлатов(исм-фамилия ўзгартirilган – тах.)нинг касби ҳайдовчи. У “Миробод махсустрас” автотранспорт филиалида ҳайдовчи бўлиб ишлаган. Навбатдаги иш кунларидан бирида ўз вазифасини бажариш жараёнида Яккасарой туманидаги Усмон Носир кўчасида жойлашган уйларнинг ёнидаги чиқиндихона олдига ўзининг бошқарувидаги юк автомашинасида келган. Чикинди олиш учун машинани орқа томонга ҳаракатлантирган. Аммо ўша пайтда чалғиганми

рой туманидаги Усмон Носир кўчасида жойлашган уйларнинг ёнидаги чиқиндихона олдига ўзининг бошқарувидаги юк автомашинасида келган. Чикинди олиш учун машинани орқа томонга ҳаракатлантирган. Аммо ўша пайтда чалғиганми

ёки нотўғри ҳаракатланганми, ишқилиб эҳтиёсизликка йўл қўйган. Ҳайдовчи амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”да кўрсатилганидек, йўл ҳаракати қатнашчилари ҳаракатланишига ҳавф туғдирмаслиги, ҳаракатланиш жараёнида пидедаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши зарур эди. Айниқса, у транспорт воситасини орқага ҳайдаш жараёнида ҳаракатланиш қоида-сига қатъий амал қилиши шарт эди. Бироқ Иқром Давлатов қоида талабларига риоя қилмади. Натижада шу ерда турган пидеда Фариди Ҳамидовани уриб юборади ва у қудуққа тушиб кетади. Шундан кейингина ўз хатосини, шошма-шошарлик қилганини англаб етади.

Тезлик билан ҳушини йўқотган пидеани қудуқдан олиб чиқади ва оғир тан жароҳати олганини кўриб, уни ўз юк автомашинасида зудлик билан касалхонага олиб боради. Шифокорлар Ф.Ҳамидованинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида жарроҳлик операциясини ўтказишади. Аммо, минг афсуски, у кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамасдан 1 апрель кун шифохонада вафот этади.

Суд мажлисида судланувчи тарикасида сўроқ қилинган И.Давлатов айбига тўлиқ иқдорлик билдириб, ўша кун чикинди ташувчи юк автомашинасини тегишли ҳужжатлар билан бошқариб келганлигини, ахлатларни белгиланган қудуққа тўкиш учун орқа томонга ҳаракатланаётган вақтида пидеани кўрмай қолганлигини тан олади. Бугунги кунда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир қилган ҳаракатларининг оқибатини тушуниб етганлигини айтиб, ўзига нисбатан энгиллик беришни сўради. Сўнгги

пушаймон бефойда, жазо муддатиниям ўтаб чиқар, аммо бир одамнинг ҳаётдан кўз юмishiга – ўлимга сабабчи бўлганлиги уни бир умр виждон азобиға маҳкум этади.

Суднинг ҳукми билан И.Давлатов Ўзбекистон Республикаси ЖК-нинг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор, деб топилди. Унга 2 (икки) йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Автомашинани бошқарганда озгина бўлса-да ҳушёрлик йўқотилса, қандай фожиалар содир бўлишини юқоридаги мисол кўрсатиб турибди. Республикада бундай фожиали ҳолатлар деярли ҳар кун учраяпти, ҳатто санаб саногига етиб бўлмайди. Автотранспорт ҳодисалари туфайли ҳаётдан кўз юмаётганлар орасида кексалар, ўрта ёшлилар, ёшлар, мактаб ўқувчилари ва ҳатто жажжи ўғил-қизлар борлиги ачинарли.

Инсонга бу дунёда яшаш, бахт лаззатини топиш имконидан фойдаланиб умргузаронлик қилиш имкони бир марта берилади. Уни бундай бахтдан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шунинг учун йўлларда пидеда ҳолидами ёки транспортдами – ҳаракатланаётганда эҳтиёт бўлайлик. Бир неча дақиқа йўқотмаслик учун бутун умримизни ёки ўзганинг ҳаётини ҳазон қилмайлик. Ўзимизни, атрофдаги инсонлар ҳаётини ҳавф остига қўймайлик.



ЗАМОНАВИЙ ЗЎРАВОНЛИК

Дарҳақиқат, ахборот технологиялари тобора ривожланаётган бугунги замонда рақамли макон кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб борапти. Албатта, ижтимоий тармоқлар ва мулоқот платформаларининг афзалликлари, имкониятлари кўп. Шу билан биргаликда унинг ортида ҳавф ҳам яширинганини унутмаслик керак. Зеро, интернет кенгликлари баъзан кимларгадир тажовуз, ҳақорат, таҳдид қуролига айланаётгани ҳақиқат. Бундай рақамли жиноятлардан, асосан, хотин-қизлар азият чекаётгани масаланинг оғрикли жиҳатидир.

Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Сабин Махл ҳамда “БМТ-аёллар” тузилмасининг Марказий Осиё мувофиқлаштирувчи офиси раҳбари Жерен Гувен Гуреш иштирокида ўтган йиғилишда ҳам ушбу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди. Рақамли зўравонликка қарши кураш узлуксиз жараён экани, қонунларни мунтазам такомиллаштириб бориш, ҳамкорлик ва тарғибот ишларини тизимли ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор ислохотлар амалга оширилди, қонунчилик мустаҳкамланди. “Оилавий зўравонлик” тушунчаси илк бор расмий муомалага киргани, “Ҳимоя ордери” институтининг жорий қилингани, “Аёллар дафтери” орқали минглаб хотин-қизларга юридик ҳамда психологик ёрдам кўрсатиш тизими йўлга қўйилгани фикримиз тасдиғидир. Аммо “андиша”, “уйдаги гапни кўчага чиқармаслик” каби менталитетга хос жиҳатлар сабаб баъзан содир этилган зўравонлик жиноятлари очилмай қолаётгани ҳам бор гап. Демак, ҳуқуқий маданиятни ошириш, тарғибот орқали ҳар қандай зўравонликка тоқатсиз муҳитни шакллантириш зарур.

Бу борада партияимизнинг бир қатор лойиҳалари ва ташаббуслари мавжуд. Зотан, “Адолат” СДП Сайловолди дастурида хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, айниқса, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган опа-сингилларимизга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш чораларини қучайтириш, зўравонлиқнинг ҳар қандай кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб бориш ташаббуслари белгиланган.

Фикримизча, рақамли зўравонлиқнинг олдини олишда бир неча омиллар ҳисобга олиниши керак.

Аввало, ҳуқуқий механизмларни қучайтириш лозим. Бунда онлайн таҳдидларни аниқ ҳуқуқий категория сифатида белгилаш мақсада мувофиқ. Аёлга шантаж қилиш, шахсга доир маълумотларидан фойдаланган ҳолда товламачилик қилмишлари учун алоҳида жавобгарлик механизмни ишлаб чиқиш зарур.

Қолаверса, тарғибот ишларини таълим босқичидан бошлаш ҳам ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда яхши самара беради. Бунда зарарли контентдан ҳимояланиш, шахсий маълумотларни сақлаш, интернет этикаси бўйича мактабларда, олий ўқув юртларида, маҳаллаларда, иш жойларида мунтазам тарғибот йўлга қўйилиши керак.

Рақамли маконда энг фаол қатлам – ёшлар. Уларни ижтимоий тармоқлардан оқилана фойдаланишга ўргатишимиз, интернетдаги таҳдидлардан огоҳ этишимиз шарт.

Афсуски, зўравонликка учраган аёллар, айниқса, қизлар бу ҳақда ҳеч кимга айтмайди. Шунинг учун ишонч телефонлари, онлайн платформалар, психологик ёрдам марказлари ташкил қилиниши, улар фаол ишлаши керак.

Бугун юртимизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам интернет етиб борди. Ёшларимиз ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланмоқда. Бу, масала фақат пойтахт ёки катта шаҳарлар билан чегараланмайди, деганидир.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли зўравонлик жамиятимиз ҳаётидаги янги давр муаммосидир. Унинг олдини олиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ёки бирор тузилманинг вазифаси эмас, балки бутун жамиятнинг умумий мақсади ҳисобланади.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, фемизм ва зўравонлиқнинг бошланғич нуқтаси онлайн таъкиб, камситиш, таҳдиддан бошланади. БМТ томонидан яқинда эълон қилинган ҳисобот бизни ҳушёрликка чорлаш керак. Аёлда этилишча, 2024 йилда дунё бўйлаб 50 мингдан ортиқ хотин-қизлар ўз яқинлари томонидан ўлдирилган. Ҳар 10 дақиқада битта аёл рақамли зўравонлик қурбони бўлмоқда. Шундай шароитда рақамли майдондаги хуружларни эътиборсиз қолдириш реал ҳавфга кўра-била туриб, кўз юмиш билан тенг. Зеро, виртуал зўравонлик аксар ҳолларда реал оқибатларга олиб келади.

Қонунчилик янгликлари

ҲАВО ТОЗАЛАГИЧЛАР БОЖХОНА БОЖИДАН ОЗОД ЭТИЛАДИ

“Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони кўра атмосфера ҳавосининг РМ 2.5 зарралари билан ифлосланиш манбаларини аниқлаш учун Атмосфера ҳавосини чуқур ўрганишга қаратилган махсус лаборатория ташкил қилинади.

2026 йил баҳор ҳамда куз мавсумларида Тошкент шаҳрининг 33 км узунлигидаги кичик ҳалқа йўли бўйлаб “Яшил коридор” лойиҳаси амалга оширилади.

2026 йил 1 апрелгача “Яшил Тошкент” мастер режаси ишлаб чиқилади.

Тошкент шаҳрининг барча туманларида “яшиллик” даражаси паст бўлган 3 тадан узунлиги 5 кмдан кам бўлмаган кўчаларни танлаб олиш орқали “Сояли сайр кўча”си ташкил қилинади.

Шунингдек, тадбиркорлар ва фуқаролар томонидан маиший ҳаво тозалаш ускуналари (ТИФ ТН код 8509 80) Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилганда божхона божидан озод этилади.



ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ

Марказий Осиё учун геоиқтисодий аҳамияти

“Adolat” шаъри

Эт билан тирноқни ажратиб бўлмаганидек, ўзбек билан қозоқ миллатини ҳам бир-биридан айро ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Асрлар давомида бир дарёдан сув ичган бу икки халқ, айниқса, сўнгги йилларда янада жипслашди. Марказий Осиёнинг беш давлатини, таъбир жоиз бўлса, рамзий маънода бир қўлнинг беш бармоғига ўхшатиш мумкин. Уларнинг бир мушт бўлиши умумий тараққиётга эришиш йўлларини кенгайтиради. Минтақамиз имкониятлари ва салоҳияти эса чексиз.

Тошпўлат МАТИБАЕВ,
социология фанлари доктори, профессор,
халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳозирги муносабатлар стратегик аҳамиятга эга. Бир неча йил олдин бу алоқалар иттифоқ даражасига кўтарилган. Қосим-Жомарт Тўқаевнинг Хивага норасмий ташрифи чоғида президентлар қўшма баёнот беришди. Унда давлат раҳбарлари стратегик ва иттифоқчилик муносабатлари билан бир қаторда, Қозоғистон – Ўзбекистон ҳамкорлиги ва сиёсий алоқалари энди икки томонлама тандем форматда ривожланишини эълон қилдилар. Бу ўзаро ишончнинг юқори даражасидан dalolat беради. Ўзбекистон ва Қозоғистон интеграциянинг локомотивлари ва Марказий Осиёда иқтисодий ўсишнинг асосий катализаторлари, мамлакатларимиз минтақавий ўзаро савдонинг қарийб 80 фоизини ташкил қилади. Турли хил хорижий экспертлар минтақанинг ўсган ролини ва субъектлигини таъкидламоқда, у глобал тортиш марказига айланмоқда. Бир неча ўн йил олдин “болқонлашиш” прогноз қилинган худудни бугун АҚШ Евроосий ядроси деб, Хитой ва Ғарб давлатлари “Янги илпак йўли” деб атамоқда, Россия эса Марказий Осиёни кўп кўтбди дунёнинг муҳим элементи сифатида стратегик йўналишини қўллаб-қувватламоқда. “Марказий Осиё плюс” форматидagi музокараларнинг ҳар бир янги босқичи яқдиллиқни оширмоқда, бунинг учун Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг локомотив сифатидаги роли ёрдам беради. Маслаҳат учрашувлари савдо тўсиқларини бартараф этиш, боқхона процедураларини соддалаштириш ва қонунларни уйғунлаштириш орқали камчиликлар устида ишламоқда.

Халқаро муносабатларнинг ушбу мураккаб кўп векторли тузилмасида айнан Ўзбекистон ва Қозоғистон тандем янги иқтисодий платформани ёки бутун кенг минтақанинг бунёдкор ривожланишига қаратилган мустақкам стратегик айланиши шакллантирмоқда. Бу боғлиқлиқнинг барқарорлиги мамлакатларимиз лидерлари ўртасидаги дўстона муносабатлар билан таъминланмоқда. Қосим-Жомарт Тўқаевга Ўзбекистоннинг олий давлат мукофоти — “Олий даражали Дўстлик” орденини топириш орқали Шавкат Мирзиёев ўзига хос ҳурмати намойиш этди.

Дарвоқе, сиёсатчиларга уларнинг амалий ишлари билан баҳо беришади. Икки мамлакат Президентлари ҳам сўз ва иш бирлиги билан ном қозонган. Ҳар икки лидер ҳам иқтисодий модернизацияга йўналтирилган прагматиклардир. Улар мураккаб халқаро вазиятда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлигини аниқ тушунишди ва ташқи таъсирнинг “объектига” айланишни истамайдилар. Шунинг учун ҳамкорлик қулаймоқда, иқтисодий кўприклар ва алоқалар яратиш стратегик лойиҳалаш даражасига кўтарилмоқда. Икки томонлама савдони ривожлантириш, янги ўсиш

нуқталарини топиш, товарлар номенклатурасини кенгайтириш, хомашё бўлмаган экспортни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинмоқда. Сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги йиллик товар айланмаси барқарор равишда 4 миллиард доллардан ошди. Бу ҳукуматларимизнинг изчил иши ва бизнеснинг тўғридан-тўғри мулоқоти натижасидир. Шу билан бирга, ўзаро савдонини ошириш учун катта имкониятлар мавжуд. Бу имкониятни юзага чиқариш учун ўзаро товар айланмасини кўпайтириш дастури айнан шу мақсадда ишлаб чиқилган. Вазифа — икки томонлама савдо ҳажминини йилига 10 миллиард долларга етказиш.

Савол туғилади. Бу мақсад қанчалик реал? Уни амалга ошириш учун қандай соҳаларни ривожлантириш керак? Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги товар айланмаси барқарор ўсиш динамикасини кўрсатмоқда. 2025 йил январь-август ойларидa ўзаро савдо таҳминан 3 миллиард АҚШ долларига етди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таҳминан 18-19 фоизга кўпайди, демакдир. 10 миллиард долларлик стратегик мақсад сари одимланмоқда. Амалдаги динамикани сақлаб қолиш ва ҳамкорлиқни кенгайтириш орқали бунга эришса бўлади. Ҳозирда 1,7 миллиард доллардан ортиқ маблагга эга 70 дан ортиқ лойиҳалар, шунингдек, 4 миллиард доллардан ортиқ 34 та инвестиция лойиҳаси ва яна бир неча миллиардлик савдо шартномаларидан иборат алоҳида пакет шакллланган. Энергетика, тоғ-кон саноати, транспорт, қимё, машинасозлик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги лойиҳалар айниқса муҳим.

Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тўқаев томонидан видеоконференца-лқа режимида ишга туширилган бўлган қиймати 1,2 миллиард доллар бўлган етти та қўшма лойиҳалар қаторида “Марказий Осиё” Халқаро саноат кооперацияси марказини флагман лойиҳа сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин. Лойиҳа таҳминан 100 гектар майдонда икки томонлама саноат зонасини яратади ва тиббиёт буюмлари, ПВХ маҳсулотлари, тоқчилатиб суғориш тизимлари, пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик, гуручни қайта ишлаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Бу, аслида, минтақавий қўшилган қиймат занжирларининг янги йиғиш нуқтасидир. Қозоғистон ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ҳамкорлиқни кучайтиришни режалаштирмоқда, мақсад олди-сотдидан кўра, чуқур қайта ишлашга ўтиш.

Олий Давлатлараро Кенгаш қарори билан камёб ва ноёб ер металлари геологияси ва қазиб олиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди — бу замонавий дунёнинг “янги нефти” бўлиб, Хитой, АҚШ ва Россиядаги музокаралар кўрсатганидек, унга инвесторларнинг қи-

зиқиши юқори. Устувор йўналишлар қаторида — сунъий интеллектни ривожлантириш, сув-энергетика ва транзит-транспорт соҳалари. Ҳамкорлиқни кучайтириш мақсадида қўшма инвестиция платформасини яратиш бўйича Доиравий келишув қабул қилинди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Олий Давлатлараро Кенгашининг музокаралари ва иккинчи мажлиси якунлари бўйича Президентлар қўшма баёнот қабул қилдилар. 17 та ҳужжатдан иборат келишувлар, меморандумлар ва қарорларнинг салмоқли пакети имзоланди, у нефть-газ-қимё саноати, тоғ-кон саноати, туризм соҳаси ва сув ресурсларини биргаликда бошқаришдаги ҳамкорликдан тортиб, қўшма ҳарбий машғулотларга кенг доирадаги мавзуларни қамраб олади. Уларни санаб ўтишнинг ўзи ҳам икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлиқнинг юқори даражасидан dalolat беради. Мутахассисларнинг фикрича, яқин йилларда ҳали ҳам мавжуд бўлган тўсиқлар ва регулятор номувофиқликларни бартараф этиш бўйича ишлар кучайтирилади. Масалан, мамлакатларимизнинг транспорт алоқаларини мустақамлаш талаб этилади. Юкларни ташинишда юқори харажатлар ва сезиларли кечикишлар асосий муаммо бўлиб қолмоқда. Сабаблари — мувофиқлаштирилмаган темир йўл тарифлари, ҳужжатларни расмийлаштиришнинг мурраккаб тартиб-қоидалари ва юкларни мониторинг қилишнинг синхронлаштирилган рақамли тизимлари мавжуд эмаслиги, бу эса чегарада муаммолар яратаяди.

2024 йил май ойида Хитой — Қозоғистон — Ўзбекистон (Жанубий транспорт коридори) йўналишини бўйича контейнер ташинишлари автоматик бошқариш учун “Узлуксиз транзит” ишга туширилди. Бугунги кунда бу тажриба бошқа йўналишларга ҳам тарқалмоқда. Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида “Узлуксиз транзит” пилот лойиҳаси ишга туширилмоқда. У 2026 йил охиригача амалга оширилади. Икки мамлакат ўртасида автомобиль ташинишлар соддалаштирилди. 2027 йилда янги темир йўли ишга тушириш режалаштирилган, бу эса мавжуд Сариеоғ — Тошкент участкасидан юкларни янги йўналишга қайта йўналтириш, “Сариоғоч” станциясини бўшатиш ва Ўзбекистонга экспорт ташинишлари кўпайтириш имконини беради. Иккала давлат ҳукуматлари чегарадаги инфратузилмани модернизация қилиш, жумладан, ўтказиш пунктларини кенгайтириш ва логистика марказларини яратиш бўйича фаол чоралар кўрмоқда.

Давлат ташрифи якунлари бўйича икки давлатнинг боқхона хизматлари вакилларини очиш тўғрисида ҳукуматлараро келишув имзоланди. Бу ва бошқа чора-тадбирлар икки мамлакатнинг транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорликдаги тикилиничиликларни бартараф этишга қаратилган. Жорий йилнинг 9 ойи якунларига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги темир йўл ташинишлар ҳажми 15 фоиздан кўпроққа ўсди ва 22 миллион тоннадан ошди. Тариф сиёсатини биргаликда такомиллаштириш, юкларни ташиниш шартномаларини яхшилаш, чегарадаги ўтказиш пунктларини модернизация қилиш ва боқхона тизимларини рақамлаштиришни давом эттиришга келишиб олинди. Марказий Осиё транспорт тармоғига Афғонистон ҳам қўшилиши мумкин, бу эса Марказий ва Жанубий Осиёга дарвозаларни

очишга имкон беради. Шунинг учун мамлакатларимиз Афғонистонга нега бу қадар катта ёрдам кўрсатаётгани ҳақида сўралганда — жавоб яққол кўриниб турибди. Марказий Осиёга чегаралар периметри бўйлаб барқарорлик контури керак. Шу нуқтаи назардан, Афғонистон беқарорлик манбаига айланиши ёки минтақавий иқтисодий тузилмага интеграциялашиши мумкин. Олпоатада Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистон учун Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича БМТнинг минтақавий маркази очилишини муҳим дипломатик ғалаба деб айтиш мумкин.


Ўзбекистон ва Қозоғистон Шарқ ва Ғарб, шимол ва жануб учрашадиган Евроосий мамлакатлари ҳисобланади. Уларнинг кўприк роли Афғонистон атрофидаги вазиятда аниқ кўринади. 2021 йилда Қобулда режим ўзгаргандан сўнг, Ўзбекистон ва Қозоғистон, бир томондан, инсонпарварлик масалаларини ҳал қилиш учун янги Афғонистон раҳбарияти билан алоқаларни сақлаб қолди, бошқа томондан эса — ёрдам кўрсатиш ва инқирознинг олдини олиш бўйича АҚШ, ЕИ, БМТ билан фаол ҳамкорлик қилди.

Қозоғистон ва Ўзбекистон минглаб ришталар, умумий минтақавий кун тартиби ва маданий ришталар билан чамбарчас боғланган. Давлат раҳбарларининг иродаси эса бу алоқаларни барча йўналишларда мустақамлашди. “Қозоғистон Президенти сифатида мен Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият беришни ўз бурчим деб билман. Шунинг таъкидламоқчиманки, турли “экспертлар”нинг ҳар хил бўҳтонларига қарамай, Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳеч қачон рақиб ва ҳапто муСОБАка-лашувчилар эмас, балки стратегик ҳамкорлар, проаресс ва тараққиёт йўлидаги биродарлар, яқин дўстлар, — деди Қосим-Жомарт Тўқаев музокаралар якунлари бўйича.

Саноат кооперацияси масалалари, чегара савдо инфратузилмасини яратиш ва транспорт алоқаси — Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг стратегик салоҳияти айнан мана шу ўзаро манфаатлар учбурчадаги яширилган. Транзит-индустриал қаракаси шакллантириш — бу нафақат транспорт коридорларининг логистик хизматлари, балки минтақавий қўшилган қиймат занжирларини яратишидир. Буюк куч марказлари ўртасида манёвр қилиб, мамлакатларимиз ҳам Шарқдан, ҳам Ғарбдан инвестиция ва технологиялар учун тортишиш полюсини яратмоқда, бу эса нафақат иқтисодиётда, балки сиёсатда ҳам ютуқлар келтиради, Остона ва Тошкентнинг сиёсий таъсирини кучайтиради.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилган 1992 йилдан бери қўшилган муносабатлари узилган эмас. Тарих, дин, маданият, тил, анъаналарнинг яқинлиги сиёсий ва иқтисодий интеграцияга олиб келди. Ҳозирда “Абадий дўстлик тўғрисида”, “Стратегик шериклик тўғрисида”, “Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида” ва “Давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисида”ги давлатлараро ҳужжатлар амал қилляпти. Ҳар йили Қозоғистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг ташрифлари тез-тез амалга оширилиб, икки томонлама учрашувлар мунтазам равишда ўтказиб келиняпти.

Хулоса ўрнида айтганда, Қозоғистон Президентининг Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи ва минтақа давлатлари раҳбарларининг Тошкент Маслаҳат учрашувидаги иштироки мамолакатларимиз ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари юксак даражада эканини яна бир бор яққол тасдиқлади. Эришилган келишувлар ва имзоаланган битимлар икки томонлама шерикликни аниқ мазмун билан бойитишга, қўшма лойиҳаалар учун янги уфқлар очишга, биродар давлатларнинг барқарор тараққиёти учун мустақкам саман яратишга ишончимиз қоми.



ТОШКЕНТ — НОН ШАҲРИ

Таклиф

Тарих — халқ маънавиятининг абадий қўргони ва миллатнинг қиёфасини белгилаб берадиган руҳий устун ҳисобланади. Ўтмишини унутган халқ ўз йўлидан адашади. Шу маънода Тошкент тарихи нафақат ўзбек халқи, балки бутун инсоният учун ибратли воқелиқдир. Тошкентнинг “нон шаҳри” деган шарафли номига муносиб тарих борки, у инсонпарварлик, бағрикенглик ва саховат тимсоли сифатида хотирамизга муҳрланган.

Муҳиддин ОМАД,
“Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши
мабтуот котиби

XX асрнинг оғир йилларида, яъни очлик, муҳтожлик ва муҳожирлик авж олган пайтларда минглаб инсонлар Туркистонга, айниқса, Тошкентга нажот излаб келдилар. Улар орасида турли миллат ва элат вакиллари бор эди. Ҳар бири ўзи билан бир умид, бир дард ва бир қисматни олиб келди. Ана шунда Тошкент аҳлининг ҳақиқий юзи кўринди, кенг бағри намоен бўлди.

Ўзбек халқида “нон — ҳаёт рамзи” деган сўз бежиз айтилмаган. Ноннинг ҳар бир ушоғи ортида меҳнат, поклик ва барака ётади. Шунинг учун ҳам бу миллат нонни исроф қилмайди, ерга тушган увоғини олиб, пешонасига суради. Бу — нафақат урф-одат, балки маънавий аҳддир.

Ўз вақтида тошкентликлар ана шу маънавиятнинг тирик намунаси бўлди. Улар яримта қора нонини ҳеч иккиланмасдан бошқалар билан баҳам кўришди. Бу оддий саховат эмас — инсонпарварликнинг энг олий кўриниши эди. Шу сабабли Тошкент “нон шаҳри” деб аталди. Бу атама шунчаки тарихий сўз эмас, балки бутун дунёга одаимийлик дарси сифатида ёйилди.

Бугун ҳам тарихни варақласак, Тошкент нафақат пойтахт, балки тинчлик, ҳамжихатлик ва меҳр-оқибат шаҳри сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бу шаҳарда 200 мингдан ортиқ етим ва муҳожир болаларга бошпана берилгани ривоят эмас — ҳақиқат! Улар орасида ўнлаб миллатларнинг сеvimли зурёдлари бор эди. Ўзбек аёллари уларни ўз фарзандидай қабул қилди, ўз боласи билан бирга овқатлантирди, кийим кийдирди, меҳр берди. Бу ҳолат — жаҳон тарихида камдан-кам учрайдиган инсонийлик намунасидир.

Шу боис “Тошкент — нон шаҳри” деган ибора нафақат миллий ифтихор, балки бутун инсоният учун маънавий қимматга эгадир. Бу ибора халқ хотирасидан ўчмайдиган рамзга айланган.

Орадан юз йиллар ўтди. XXI асрга келиб ҳам, дунё глобал инқирозлар, моҳарола, муҳожирлик ва қашшоқлик каби муаммолар билан тобора кўпроқ тўқнашмоқда. Мана шундай пайтда, биз ўз тарихимиздан куч олиб, инсонпарварликни янада юксалтиришимиз керак.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, пойтахтимизда “Тошкент — нон шаҳри” доирасидаги халқаро форумни ташкил этиш жуда муҳимдир. Бу форум нафақат тарихий хотирани тиклаш, балки жафокаш халқимиз саховатини жаҳон ҳамжамияти олдида намоен этиш имконини яратаяди.

Форум доирасида бағрикенглик, инсон ҳуқуқлари, гуманизм ва миллатлараро ҳамжихатлик масалалари муҳокама қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ташаббус Ўзбекистоннинг жаҳон саҳнасидаги нуфузини янада юқори пағонага кўтараяди.

“Адолат” социал-демократик партияси учун ҳам бундай ташаббус муҳим сиёсий маънога эга. Чунки “Адолат” сўзининг ўзи ҳам инсон қадрини улуғлаш, тенглик ва инсонийликни юксалтириш деганидир.

“Нон шаҳри” форуми ўзида инсон қадри, меҳр-шафқат, бағрикенглик ва ҳамжихатликни сиёсий ва маънавий дастур сифатида намоен этади. Бу форумда дунё раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, олимлар ва ишлар иштирокини таъминлаш орқали биз глобал миқёсда “инсон қадри устувор” тамойилини илгари сурган бўламиз.

Ҳар бир авлоднинг вазифаси — ўтмишдан муносиб ибрат олиш ва келажакни шунга мос равишда қуриш. Тошкент тарихи шундан dalolat берадики, миллатларнинг буюклиги унинг қурган биноларида эмас, балки қалбидagi меҳр ва одаимийликда ҳам намоен бўлади.

Келажак авлодлар шунинг унутмасин: агар одаимийлик ва меҳр йўқолса, дунёдаги энг бой мамлакат ҳам маънан қашшоқ бўлиб қолади. Нонни қадрлаган халқ — ҳаётни қадрлайди, юртини қадрлаган халқ эса абадий яшайди.

“Тошкент — нон шаҳри” деган ибора бугун ҳам халқимиз учун фахр, келажак авлод учун ёруғ йўлдр. У фақат тарих хотираси эмас, балки инсонийлик рамзи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ташаббусни амалга ошириш — нафақат тарихга ҳурмат, балки келажакка масъулиятни аналатади.

Бугун дунёга мурожаат этиб: “Инсонни улуғлайдиган куч — унинг молу давлатида эмас, балки меҳрини бошқалар билан бўлишишадир!”, деган фикрни илгари суришимиз керак.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент азиз нонини, кенг бағри ва эзгу фазилатлари билан чинакам меҳр шаҳри эканини бутун дунёга яна бир қарра эслатиб қўймоқ вақти келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган Болалар уйи давлат муассасаси тугатилганлигини маълум қиламиз. INN:203489831
Манзил: Юнусобод тумани, “Увайсий” МФЙ, 19-мавзеси, 55-уй

Эълон

ЎТМИШ ВА БУГУН



ТАРИХ ТУВОҲЛИК БЕРГАН ҲАҚИҚАТЛАР

(Биринчи мақола)

Ер юзининг қайси нуқтасида бўлмасин юз берадиган низолар, исёнлар, урушлар одамлар, миллатлар, халқлар тақдирига салбий таъсир кўрсатиши, улар аҳволини ниҳоятда оғир аҳволга солиши аини ҳақиқат. Бундай фожиали ҳолатлар ҳамisha инсониятни оғир синовлардан ўтказган. Аммо ана шундай жараёнларда аксарият халқлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини, эркини, сиёсий мустақиллигини, юрти озодлигини қўлга киритишга интилганлар.

**Камол МУҲАММАД ЁҚУБ,
журналист**

Минг тўққиз юз ўн еттинчи йилда Чор Россиясида содир бўлган давлат тўнтариши, инқилоби ҳам шу ҳудудда яшаган халқлар ҳаётида оғир асоратларни, даҳшатли ҳалокатни юзага келтирди. Дастлаб бу империяга қарам бўлган ўлкалар, жумладан, Ўрта Осиё халқлари устидан ҳукмфармолик сиёсати баҳам берилади, улар мустақилликка эришадилар, деб қўтилган орзулар амалга ошмади, аксинча, инқилоб туфайли давлат тепасига келган шўролар ушбу ўлкалар устидан ҳукмдорлик сиёсатини, мустамлакачилик кишанларини янада мустаҳкамладилар. Лекин, аини пайтда, инқилоб натижасида Ўрта Осиё ҳудудларида ўша даврнинг бир гуруҳ зиёлилари, сиёсий курашчилари томонидан миллий озодлик ҳаракатлари бошланди, бундай ҳаракатларни юзага келтирувчи ташкилотлар, сиёсий бирлашмалар, партиялар ташкил этилишига имконият яратилди. Ана шундай ташкилотларни тузишда қатнашган ва миллий озодлик ҳаракатининг фаол аъзоларидан бири Мустафо Чўқай эди.

Мустафо Чўқайнинг инқилоб пайтида амалга оширган жиддий ишларидан бири Туркистон ўлкаси мусулмонлари Марказий шўро миллий ташкилотини тузиши ва унга раислик қилишидан бошланди. Бу ташкилотнинг асосий фаолияти Туркистонда мустақил давлатни қарор топтириш ва уни демократик асосда бошқаришни йўлга қўйишдан ibорат эди. Афсуски, бу ташкилот большевиклар томонидан тарқатиб юборилади. У, аини пайтда, қозоқ тилида чиқадиган “Бирлик туғи” газетасининг муҳаррири бўлиб ишлайди. Сиёсий маслақларини ана шу газета орқали халқ орасида енишга ҳаракат қилади. 1917 йилнинг октябрларида келиб Қўқонда Туркистон мухторият ҳукумати таъсис этилади. У ана шу ҳукуматнинг Ташки ишлар вазири ва Бош вазири вазифаларида ишлайди. Мухторият ҳукуматининг қонун ва қоидаларини ишлаб чиқади. Афсуски, бу мухторият ҳам 1918 йилнинг февраларида большевиклар томонидан қонга ботирилади, Қўқон аҳлидан 12 мингдан ортиқ одам қиргин қилинади.

Мустафо Чўқай Мухторият ҳукумати тугатилгандан, йўқ қилингандан кейин Тошкентга қайтиб келиб, яширин фаолият юритади. Тошкентда ишлаш қийинлашгандан сўнг Россиянинг Самарасида ўлкасига йўл олади. Ундан Озарбайжонга ўтади. Озарбайжондан Тифлисга бориб, у ерда мусулмонлар ва Туркий дунё аҳли учун “Шафак” ва “Янги дунё” газеталарини нашр қилдилади. У 1919 йилдан бошлаб муҳожирликда кун кечиради. Турли халқро анжуманларда қатнашади. Шу йилнинг февраль ойида у Европа мамлакатларига махсус меморандум билан мурожаат қилиб, Туркистондаги истиклолчилар курашини қўллаб-қувватлашга, уларга бу ердаги большевикча режимни ағдариб ташлашда қўмак беришга чақиради.

Туркистон ўлкасини ва унинг халқини мустақил, озод, мустамлакачилик занжирларидан холи қиришни истаган ва ана шу кураш йўлида жонини фидо қилган Мустафо Чўқайни шўролар давлати миллатчиликда, юртига нисбатан хоинликда, немис-фашистлар билан ҳамкорлик қилган дея сотқинликда айблаб, халқ душманига айлантиришга уриндилар. У ҳақда халқимиз онгида, шуурида нотўғри фикрлар, салбий қарашлар шакллантирилди. Хўш, аслида у инқилобий ҳаракат давридагидан ташқари яна қандай ишларни амалга оширганди ва ҳаёти, фаолияти қандай кечганди?

Манбаларда ёзилишича, Мустафо Чўқай 1890 йилнинг 7 январида Қозғистоннинг Оқмасжид (кейинчалик Қизил Ўрда) шаҳрида дунёга келади. Отаси Чўқай бей ҳам, бобоси Тўғроғ бей ҳам ўз даврида (аввал Қўқон хонлигида, кейин Туркистон губерниясида) додхоҳлик даражасига етишган, яъни қабиласининг, бўлисининг раиси, қозиси бўлган илмлик одамлар эди. Мустафо дастлабки сабоқни Оқмасжидда олади. Кейин 1902-1910 йиллар оралиғида Тошкентда рус гимназиясида ўқийди. Петербург давлат университетининг ҳуқуқ факультетида таълим олганидан кейин Россия Давлат 4-думасининг мусулмонлар фракциясида Туркистон ишлари бўйича қотиб бўлиб ишлайди. Ўша пайтда у Чор Россияга қарам бўлган туркистонликларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаол қатнашади. Маълумки, Биринчи жаҳон уруши туфайли Россия Туркистон ўлкасининг мардикор олиш тўғрисида қарор чиқарган, бунга қарши ўлканинг кўп жойларида исёнлар юзага келган эди. Бу исёнлар Чор ҳукумати қўшинлари томонидан аёвсиз бостирилади. Ушбу хунрезликларни аниқлаш учун Давлат думаси томонидан комиссия ташкил этилади. Ана шу комиссия

таркибига Мустафо Чўқай ҳам киритилади ва фожеалар сабабларини очиб беришда фаол қатнашади.

Бундан ташқари, у Чор подшоси саройида туркистонликлар учун таржимонлик вазифасини ҳам бажарган. Кейинчалик Мустафо Чўқай ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ қилган турк олими Абдулваҳоб Ўқтой бу хусусда шундай маълумот беради: “Мустафо бейнинг она томонидан Хоразм хонлиги саройи билан қардошлиги бор эди. Рус тилини яхши билиши ўша даврдаги Петербург саройи муҳитига киришига ҳам сабаб бўлганди. Хоразм хонлигининг Хивадаги “Хон ўрдаси”га мансуб бўлган кишилар Петербургга келганда ёки чақирилганларида Мустафо Чўқай уларга таржимонлик қиларди. Бошқа томондан эса Рус думасидаги Турк-ислом аъзоларининг кўпчилигини яқиндан танир эди, уларга нутқларини тайёрлаш борасида ёрдам қиларди”.

Чор Россиясининг бошқарув тизимида рўй бераётган воқеалар, Ўрта Осиё халқларининг мустамлакачилик зулми остида эзлиши, мардикорчилик билан боғлиқ ҳолда хунрезликлар Мустафо Чўқай қалбида Туркистонни озод қилиш, мустақилликка эришиш учун кураш ғоясини уйғотди. Шунинг учун у 1917 йилда Оренбургга ўтказилган Қозоқ-қирғиз конгрессида ташкил этилган, маркази Семей (Семипалатинск) шаҳрида бўлган “Олош Ўрда” мухторият ҳукумати аъзо бўлиб қиради. Лекин ўша йили Петербургдан Тошкентга қайтиб келганидан кейин фаолиятини Қўқон мухторияти билан боғлайди.

1921 йилдан бошлаб унинг ҳаёти Париж шаҳрида кечади. У дастлаб бу шаҳардаги Моцарт авенюдаги 64-йўлда яшайди. Кейин шаҳарнинг ёзувчилар, алломалар, сиёсатчи муҳожирлар яшайдиган Ножон Сур Марн даҳасига кўчиб ўтади. Бу ўйда туриб у шўролар давлатининг Туркистонда амалга ошираётган мустамлакачилик сиёсатини қоралаб, юрт озодлиги орузида қўллаб мақолалар ёзади. Шунинг учун сиёсатчининг дўстлари, ҳамфикрлари унга эҳтиром билан уйини “Туркистоннинг вақтинчалик, муваққат пойтахти” деб аташади.

Мустафо Чўқай Парижда фаол сиёсий ҳаракат олиб борди, ҳуқуқшунос олим ва журналист сифатида танилди. Бу ерда у икки ташкилот билан яқиндан ҳамкорлик қилди. Биринчи ташкилот — озарбайжонлар, татарлар, украинлар, грузинлар, беларуслар, ўзбеклар, бошқирдлар каби шўро режими остида эзилган халқларнинг зиёлилари тўплаган “Rrometey birliги” лигаси эди. Ушбу лиганинг “Rrometey” деб номланган француз тилида нашр этилган журналида унинг юздан ортиқ мақолалари эълон қилинган. Иккинчи ташкилот Ўрта Осиё халқларининг муҳожирликдаги зиёлиларидан ташкил топган “Туркистон миллий бирлиги” эди. Бу ташкилотнинг “Ёш Туркистон” деб аталган журнали 1929-1939-йиллар оралиғида Берлин шаҳрида нашр этилган. У ушбу журналнинг Туркистон

1928 йилда “Journaltes Debats” ойнамасида R.S. имзоси билан

эълон қилинган мақолада бундай баҳо берилади:

“М.Чўқай илмий бир синчковлик, диққат билан яширинган ҳақиқатларни ўртага чиқаришга, тушунтириб беришга, фoш қилишга ҳаракат қилмоқда.

Унинг дадиллари шахсан советлар томонидан таъминланган, берилган маълумотларга таянганлиги учун ҳам жуда таъсирлидир.

миллий бирлиги Марказий кўмитасининг раиси ва фаол муаллифларидан бири эди.

Умуман, чўқайшуносларнинг маълумотларига кўра, унинг “Rrometey” ва “Ёш Туркистон” журналларидан ташқари Европада бир неча тилларда нашр этилган журналларда 700 та мақоласи чоп қилинган. Шунлардан 350 таси туркий тилларда, 180 таси русча, 120 таси французча, 50 та мақоласи эса инглиз, немис, поляк тилларида босилиб чиққан. Унинг ўша йилларида, яъни, 1928 йилда Парижда “Les Soiets en Asie Central”, 1935 йилда Парижда “Туркистон под властью Советов”, 1937 йилда Париж-Берлинда “1917 йил, хотира парчалари” китоблари нашр қилинган. У мақолалари ва асарларида шўроларнинг Туркистонда мустамлакачилик сиёсатига қарши фикрий кураш олиб борди, уларнинг қилмишларини Европа ва дунё жамоатчилиги кўз ўнгига аққол очиб берди. Унинг бу борадаги фаолиятига 1928 йилда “Journaltes Debats” ойнамасида R.S. имзоси билан эълон қилинган мақолада бундай баҳо берилади: “М.Чўқай илмий бир синчковлик, диққат билан яширинган ҳақиқатларни ўртага чиқаришга, тушунтириб беришга, фoш қилишга ҳаракат қилмоқда. Унинг дадиллари шахсан советлар томонидан таъминланган, берилган маълумотларга таянганлиги учун ҳам жуда таъсирлидир. У Москвадаги “Правда”дан, Тошкентдаги “Правда Востока”, “Қизил Ўзбекистон” каби большевик газеталаридан, Туркистон Комиссарлар совети эски раҳбарлари Рисулов, Сорокон ва бошқа шахсиятларнинг расмий маълумотларидан кенга фойдаланади. Буларнинг ҳаммасидан келиб чиқадиغان хулоса шунки, большевиклар Туркистонда якка ҳокимиятчиликни ўрнатиб, маданиятсизларча, ваҳшийларча бир мустамлакачилик режимини ўрнатганларини аёвсиз фoш қилади. Унинг ҳар бир мақоласи, асариди бу ҳақиқат намоён бўлиб туради”...

Такдимот

ИЛҲОМЖОННИНГ

“БОНГ”И

адабий жамоатчиликни
бефарқ қолдирмади

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида чоп этилган навбатдаги туркум асарлар тақдироти ўтказилди. Ушбу ташаббус адабиёт оламига йўл қадамларини ташлаётган ёш истеъодларни қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиiddин Саййид, Усмон Азим, устоз ижодкорлар Азиз Саид, Уктам Мирзаёв, Рустам Мусурмон, Фарида Афрўз, Ботиржон Эргашев, адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдош каби адабиётимиз намояндалари иштирок этди.

Қайд этиш жоизки, “Биринчи китобим” лойиҳаси чорак асрдан бери мамлакатимиз истеъодли ёшларини кашф этишда ўзига хос тажриба бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунга қадар 200 га яқин ёш ижодкорнинг илк тўпламлари лойиҳа доирасида нашрга тайёрлангани унинг аҳамиятидан дарак беради.



Жараённинг ўзига хос ижод мактаби ҳам мавжуд. Ёшлар, аввало, 1997 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган нуфузли Зомин семинарида тобланишади. Унда таниқли устозларнинг маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлиб, имтиҳондан ўтган энг салоҳиятли йигит-қизларнинг ижодий ишлари китоб ҳолида чоп этишга тавсия қилинади.

2025 йилги семинар ҳам қизғин кечди. Унда шеърят, наср, драматургия, адабий танқид, бадиий публицистика ва таржима йўналишларида янги овозлар кашф этилди. Қувонарлиси, устозлар эътирофига сазовор бўлиб, ижодий ишлари “Биринчи китобим” лойиҳасига тавсия этилган ёшлар сафиди “Адолат” социал-демократик партиясининг фаол ва иқтидорли ёшларидан бири, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси Илҳомжон Абдусаломов ҳам бор.

Унинг бадиий публицистика йўналишидаги “Бонг” номли илк китоби кенг жамоатчиликка тақдим этилди.

Сиёсий жараёнларда фаоллик кўрсатиш билан бирга, ўткир қалами ва теран фикрлари билан адабиёт майдонида ҳам ўз сўзини айтётган Илҳомжон каби ёшларимиз партиямизнинг интеллектуал салоҳиятини намоён этмоқда. “Бонг” тўпламига киритилган “Ғафлатдан уйғонайлик!”, “Сохта психологлар: эҳтиёждан тижоратгача”, “Мультифилм кимники бўлса, бола ҳам ўшаники”, “Ҳайқирик” каби 20 га яқин публицистик мақолалари ўз вақтида “Адолат” газетаси орқали ёритилган, жамоатчилик эътиборини қозongan, қизгин муҳокамаларга сабаб бўлган. Шу жиҳатдан китобнинг савияси ҳам салмоқлидир.

“Илҳомжоннинг таҳлил кўлами кенг. Бу унинг мавзуга оид қарашларида, кенг мушоҳадаларида кўринади. Ҳар бир мақоласи замон руҳи, ёшлар дунёқараши ва бугуннинг муаммоларини ўзида муҳассам этиб, ўқувчини фикрлашга, муҳим саволлар устида жавоб излашга чорлайди”, деб ёзади китоб сўзбошисига таниқли журналист Уктам Мирзаёв. Дарҳақиқат, бугунги долғали замонда жамият муаммоларига бефарқ бўлмаган, ўзининг аниқ тақлиф, ташаббус, фикр-мулоҳазаларига эга бўлган ёшлар Ватанимизнинг эртанги тараққиётини белгилайди. Зеро, Учинчи ренессанс пойдеворини қуришдай эзгу ғоя йўлидан бораётган Янги Ўзбекистон учун тафаккури кенг ёшлар ҳар қачонгидан зарурдир.

Сафдошимиз Илҳомжон Абдусаломовни шундай умидли ёшлар қаторида қўриш партиямизнинг ҳар бир аъзосига ифтихор бағишлайди. Илҳомжонни ушбу муваффақият, ижод оламидаги илк китобининг нашр этилгани билан самимий муборакбод этамиз!

“Бонг” жамиятдаги долғали масалаларга эътибор қаратиб, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб хизмат қилишига, эрксевар халқимизнинг китоб жавонидан муносиб ўрин эгаллашига ишонамиз.



Ибрат

Азиз НЕСИН

Ҳаётим давомида бўйим қадар китоб ёздим, бироқ мени ёқтирмайдиганлар бунга ҳам бир баҳона топиб – шусиз ҳам унинг бўйи кичкина эди дейишди.

ADOLAT

Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Робохон МАХМУДОВА

Баҳром АБДУХАЛИМОВ

Наримон УМАРОВ

Муҳаммад АЛИ

Гавҳар АЛИМОВА

Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Бош муҳаррир: Исрол ХАМРОЕВ

Таҳрир хайфати:

Қодир ЖўРАЕВ

Зухра ИБРАГИМОВА

Тошпўлат МАТИБАЕВ

Талъат МУРОДОВ

Абдукамол РАҲМОНОВ

Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Камол Матёқубов
Масъул котиб – Абдугани Содиқов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10-3656 рақами билан 2016 йил 04 апрелда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бюрогма Г – 1101

Адади – 2 138
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келтирилган нархда

Таҳририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.